*Bizning musohaba*

# ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси бошлиғи Юсуф ИЛҲОМОВ билан суҳбат***

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Асрлар мобайнида миллатимиз тараққиёти ва тарбия ўчоғи бўлиб келган оила масъулияти комил инсонни тарбиялаш ва ҳуқуқий давлатчилик асосларига пойдевор ташланаётган бир даврда фуқароларимиз зиммасига ҳам улкан мажбуриятлар юклайди. Чунки оила ва фарзандлар тарбияси ҳар биримиз учун хусусий вазифагина бўлиб қолмай, балки Ватан тараққиёти, жамият равнақи йўлидаги ижтимоий-сиёсий, қолаверса, маънавий ва маърифий аҳамиятга молик мажбурият ҳамдир.

**- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» дейилган. Фуқароларнинг ушбу моддага амал қилишлари қай тарзда кечмоқда?**

- Сир эмас, эр-хотинликнинг биринчи мақсади фарзанд, турмуш қуришликдан асл муддао насл-насабни давом эттириш экан, оилада юз берадиган ҳар қандай вазиятда ҳам ота ва она ўз зиммаларидаги ҳуқуқий, маънавий мажбуриятларни унутишга ҳақли эмаслар. Бироқ афсус билан таъкидлаш лозимки, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек обод, аҳил оилалар билан бир қаторда турмушимизда турли хил баҳона-сабаблар билан ажралиб кетаётган эр-хотинлар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатлар юз берганда эса оғирлик аксарият ҳолларда ота ёки она ихтиёрида қолган болалар бошига тушади, яъни улар моддий томондан қийналиб қоладилар. Агар маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, никоҳни бекор қилиш ҳақида ариза билан мурожаат этган ҳар ўн оиладан етти-саккизтаси вояга етмаган болалари бор оилалардир. Ана шундай вазиятда қонунни гоҳ билмаган ҳолда, гоҳида унга хилоф равишда бузиб, ёрдамга муҳтож болаларни моддий таъминлашдан бўйин товлаётганлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларга дуч келинганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-моддасини яна бир бор эслатиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз: «Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноят ҳисобланади». Шу ўринда қўшимча қилиш жоизки, моддий ёрдамдан бўйин товлаб, суднинг ҳал қилув қарорига кўра ундирилиши лозим бўлган маблағни уч ойдан ортиқ муддат ичида тўламаслик жиноят иши қўзғатишга асос бўлади. Республика судлари томонидан вояга етмаган шахслар учун нафақа пулларини қасддан тўламаганлик жиноятини содир этганлиги учун 1998 йилда 981 нафар ва 1997 йилда 915 нафар шахс судланган.

Мавжуд маълумотлардан кўринадики, республикамиз туман ва шаҳар судларида нафақа тўлашдан бош тортиб келаётган шахсларнинг қарзлари ҳажми бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этаётир. Бироқ шунга қарамай, уларга нисбатан ўз вақтида жиноят ишлари қўзғатиш пайсалга солиб келинмоқда. Ваҳоланки, нафақа пулини мунтазам кутиб турадиган, ёрдамга муҳтож оилалар бор. Қонун орқали уларнинг мустаҳкамланган ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик бориб турган қонунбузарликдир. Бундай ҳолатларнинг содир бўлиб тургани эса ариза ва шикоятларнинг кўпайишига сабаб бўлаётир.

**- Юсуф ака, бошқармага келиб тушаётган шикоят ва аризалар асосан жойлардаги мутасадди идоралар томонидан нафақани ўз вақтида ундириб бермаётганлиги хусусида бўлса керак...**

- Биласизми, нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ нуқсонлар фақат судларга тегишли десак адолатсизлик бўлар эди. Бу камчиликларда, юмшоқ қилиб айтганда, жойлардаги корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг ҳам «дурустгина ҳиссаси» бор. Назорат ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида моддий томондан қийналган оилалардаги ёш болалар манфаатларига жиддий зарар етказилаётир.

Ўтган икки-уч йилда Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимликлари адлия бошқармаларига келиб тушган ариза ва шикоятлар таҳлил қилинганда, шунга ишонч ҳосил қилдикки, уларнинг асосий қисми суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори ҳамда нафақа ундириш ҳақидаги қарорларининг ижроси ўз вақтида таъминланмаётганлиги билан боғлиқ экан. Шундан келиб чиқиб, Адлия вазирлигининг ташаббуси билан 1998 йилнинг декабр ойида республика туман-шаҳар судларининг назоратида бўлган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ҳисобхоналаридаги нафақа ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларнинг ижросини ялпи текшириш бир ойлик тадбири амалга оширилди. Очиғини айтиш керак, тадбир натижалари хотиржам бўлишга ўрин қолдирмайди. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, «мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш» жиноят ҳисобланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бароваригача миқдорида жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Ўз.Рес.ЖКнинг 232-моддаси).

Мисол учун, Сурхондарё вилоятидан Ж.Хуррамов, И.Хўжамов, Фарғона вилоятидан Х.Хатамовлар мансабдор шахс бўла туриб, қўл остидаги ходимларининг вояга етмаган фарзандлари учун суд қарорига асосан ундирилиши лозим бўлган нафақа пулларини ундириб, нафақахўрларга юбормаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишли жазоларини олдилар.

Республика бўйича тадбир давомида 11.358 та корхона, ташкилот ва муассасанинг иши ўрганилиб, улардаги 112.476 та ижро ҳужжатлари текширилган, шундан 971 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан бюджетга 1.436.445 сўм миқдорида жарима ундирилган. Суд ижро ҳужжатларини ижро қилмаган 7 нафар мансабдор шахс устидан жиноий иш қўзғатилиб прокуратурага юборилган, 180 та тақдимнома мансабдор шахсларга тегишли чора кўриш учун юқори ташкилотларга юборилган.

Мисол учун, Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармаси тадбир давомида нафақа ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги учун 98 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиб, улардан давлат фойдасига 117.600 сўм жарима ундирди. Тошкент вилояти бўйича эса корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳисобхоналарида суд ижро ҳужжатларини ижро қилишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган 92 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан давлат фойдасига 82.450 сўм миқдорида жарима ундирилди.

Умуман, тадбир давомида корхона ва ташкилотлар ҳисобхоналарида суд ижро ҳужжатларини ижро этишда, асосан, ижро варақаларини белгиланган муддатда судга қайтармаслик, ҳисоб варақаларида маблағ йўқлиги сабабли нафақаларни вақтида юбормаслик ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Самарқанд вилояти Оқтош шаҳар «Дон» ҳиссадорлик жамияти ҳисобчиси У.Ортиқов, Оқдарё туман «Ғалаба» жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси И.Аббосов, Пайариқ тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси К.Даминовлар юқорида кўрсатилган хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Нарпай туман судининг суд ижрочисига интизомий жазо чораси қўлланилган, Тайлоқ ва Ургут туманлари катта суд ижрочилари М.Ашуров билан М.Эшонқулов эгаллаб турган вазифаларидан озод этилди.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан ўтказилган тадбир чоғида 1998 йилда фуқаролардан тушган 194 та шикоят ва аризалардан 116 тасида нафақа ундириш тўғрисидаги қарорлар ижро қилинмаётгани тилга олинади. Шундай шикоятлардан бири Шаҳрисабз тумани «Ҳисорак» сув омборидан фойдаланиш бошқармаси мансабдор шахслари устидан. Гап шундаки, бу бошқарма ҳисобчиси И.Аббосов ҳисобхона иш юритувида бўлган нафақа ундириш тўғрисидаги 6 та ижро варақаларни узоқ вақт ҳисобхонада сақлаб, судга қайтармаган. Унга нисбатан ҳам маъмурий жазо белгиланди.

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан 1998 йил давомида ижро ишларига эътиборсизлик билан қараган суд ижрочиларига нисбатан қўлланилган турли хил интизомий жазо чоралари, қолаверса, бундай ҳолни Жиззах, Бухоро, Навоий, Хоразм, Фарғона ва бошқа вилоятларда ҳам учраб тургани қонунчиликнинг мазкур соҳасини мустаҳкамлашда чора-тадбирларни қатъият билан изчил амалга ошириб боришимизни тақозо этади.

Ўзбекистон Мустақилликка эришган кунларидано қ кам таъминланган оилалар, демакки, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Оила ва болаларнинг барча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларининг ҳимояланиши қонун ҳужжатларида ўз аксини тўлиқ топиб келмоқда. Чунончи, Оила Кодексида ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Модомики, биз ҳуқуқий давлат қуришга жазм этган эканмиз, масъулиятсизлик оқибатида йўл қўйилган нуқсонлардан тегишли хулосалар чиқариб олиб, қонунбузарлик ҳолларига чек қўймоғимиз лозим. Юртбошимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XII сессиясида таъкидлаган ушбу сўзлари эса амалий фаолиятимизнинг мезони бўлмоғи керак: «Биз қонун устуворлигини тан олган ҳуқуқий жамият қуришни мақсад қилган, шу йўлда хизмат қиладиган демократик қонунларни ишлаб чиқиб, амалга киритаётган эканмиз, ана шу қонунларга қатъий бўйсунган ва тўла риоя этган ҳолдагина ҳақиқий адолат бўлади».

**Суҳбатдош:**
**С.РАУПОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Prokuror nazorati*

# ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА



«Меҳнат инсоннинг юзини ёруғ қилади» дейишади. Барча соҳаларда бўлгани каби чорвачиликда ҳам фақат меҳнат туфайли кўзланган мақсадга эришиш, бирни икки қилиш мумкин. Айниқса, қиш мавсуми чорвадорнинг иродасини, касбга бўлган садоқатини синовдан ўтказади. Халқимиз орасида «қиш ғамини ёзда е» деган нақл бор. Бу ҳақ гап. Лекин шу ҳақ гапга амал қилганлар ҳам, қилмаганлар ҳам бор. Бундайлар чорвачиликда «ғалвир сувдан кўтариладиган пайт» - тўл мавсумида аниқ-тиниқ юзага чиқади.

Туман прокуратураси ходимлари қишлов даврида ва тўл мавсумида кўплаб жамоа хўжаликларида бўлишиб, чорва туёғи, ем-хашакнинг сақланишини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши юзасидан текширувлар ўтказишди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг масъулиятли бурчи, вазифаси бўлган, жамғарилган ем-хашакни ёнғиндан сақлаш, чорва туёқларининг камайиб кетишига йўл қўймаслик ҳоллари ўрганилди. Шу жараёнда ўз тирикчилик ташвишини эл-юрт, Ватан манфаатидан устун қўйиб «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш юритганлар маълум бўлиб қолди. Айрим хўжаликларда назоратнинг бўшаштириб юборилганлиги, ишнинг ўзибўларчилик кайфиятига ташлаб қўйилганлиги туфайли ҳатто жиноятлар содир этилиб, кечириб бўлмас ҳолатлар ҳам юзага келган экан.

Айнабек Биботаев ана шундайлардан бири бўлиб чиқди. У 1993 йилдан 1998 йилнинг июл ойигача тумандаги Амангелди ширкатлар уюшмасида «тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида» шартнома тузган ҳолда бош чўпон вазифасида ишлаб келди. Шу вақт мобайнида у ўз раҳбарлари билан маслаҳатлашиб иш кўришни хуш кўрмади. Ҳисоботларда «ҳаммаёқ обод» қабилида қоғозларни тўлдириб юбораверди. Аслида эса зиммасидаги бурч ва масъулиятни унутган бош чўпон қарамоғидаги мавжуд қўйларни иккиланиб ўтирмай хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларга алмаштириб юбораверди. 18 бош қўйини унга, 45 бош қўйини молларни суғориш учун зарур бўлган мотор, бензин ва эҳтиёт қисмларга алмаштирди. 69 бош қўйини эса «ночор аҳволда қолди, ўлиб-нетиб қолмасин» баҳонасида сўйиб, оиласи эҳтиёжи учун ишлатиб юборди.

Ҳотамтой бош чўпон текширувдан 75262 сўм 44 тийинлик камомад билан чиқди. Ушбу ғайриқонуний харажатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «А» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган Айнабек Биботаев эндиликда ўз қилмишига яраша жазо олиши аниқ.

Туманимизда Айнабекка ўхшаб хурмача қилиқларини яшириб юриб, жиноят содир этиб қўйганлардан яна бири М.Оролов ширкатлар уюшмасининг бош чўпони Олтинбек Кўчкинов бўлиб чиқди. У ўз хизмат вазифасига ўта масъулиятсизлик, лоқайдлик, эътиборсизлик билан ёндошиб, қарамоғида бўлган 156 бош қўйини айнан қаровсизлик туфайли нобуд қилиб, 202146 сўмлик камомадни юзага келтирди. Бундан ташқари 30 бош майда шохли молларни ўз оиласи эҳтиёжлари учун ишлатиб, яъни 39330 сўмни талон-тарож қилишдан уялмади.

«Ҳар ким қилмишидан топар» деганларидек, Олтинбек Кўчкинов ҳам қилмишларига яраша ЖКнинг 167-моддаси 2-қисм «А» банди ҳамда 207-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбланди. Жиноятчига эса жазо муқаррар.

Эл-юрт дастурхонини чорвачилик маҳсулотлари билан обод қилишдек савобли ва машаққатли меҳнат туфайли обрў-эътибор топаётган инсонлар кўп, албатта. Фақат биз бу гал шундай шарафли касбга доғ тушириб, қилмишлари туфайли «ер чизиб қолган» айримлар хусусида фикр юритдик, холос.

**Фарҳод ҚУЛМАТОВ,**
**Жиззах вилояти Фориш тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси**



***СУРАТДА: (чапдан) Ф.Қулматов туман ИИБ бошлиғи У. Каримов билан жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги тадбирлар хусусида суҳбатлашмоқда.***



***Булунғур туманида тартиб ва интизомни мустаҳкамлашда туман суди раиси Маҳмудхон Муҳамедовни ҳамда туман давлат 2-нотариал идораси катта нотариуси Исломиддин Маҳматқуловларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Тажрибали ҳуқуқшунослар кенг халқ оммасига қонунларимизни чуқур тушунтириб бераяпти. Натижада фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиб олмоқдалар.***

**СУРАТЛАРДА: (юқорида чапдан) суд раиси М.Муҳамедов шогирди К.Баҳриддинов билан.**

**И.Маҳматқулов фуқаролардан З.Махсумов, Г.Сулаймонова, С.Чиннибоевларга уй-жойларни мерос қолдириш борасида тушунтириш бермоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар**

*Munosabat*

# ХИЁНАТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бундай ажойиб қўшма корхоналар бугунги кунда Андижонда, Фарғонада, Навоийда, Самарқандда, Тошкентда, борингки, республикамизнинг кўпгина шаҳар ва туманларида самарали ишлаяпти. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида, турли тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатаяпти. Буларни ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳурмат-эҳтиромли юртбошимизни ўз отасидек қадрлайди. У киши тўғрисида доимо илиқ сўзларни айтади.

Мен имконият бўлди дегунча донишманд шоиримиз Алишер Навоийнинг асарларини қўлдан қўймайман. Яқинда унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари яна қўлимга тушиб қолди. Унда шундай гаплар бор экан: «Адолатли шоҳ ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир, бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир. Бундай шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек тупроқда гуллар очиради ва мамлакат халқлари бошига олтин билан дурлар сочдиради» дейди. Мустақил мамлакатимиз, элу халқимиз бахтига Оллоҳ бизга шундай доно раҳбарни ато этганига минг шукурлар қилсак оз.

Ҳурматли юртбошимиз халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида **«Биз шуни унутмаслигимиз лозимки, бу хунрезлик, нотинчликларнинг ижрочиси шунчаки нотавон ва разил югурдаклар эмас, уларнинг ортида ўз ватанида қадр топмаган ватангадолар ҳамда ақидапарастлар бор»** дедилар.

Бундай ярамас кимсаларга менинг ҳам икки оғиз айтадиган гапим бор. Дунёга машҳур бўлган қадимги ҳинд эпоси - «Калила ва димна»да бир гап ёзилган экан. Буни айнан келтирмоқчиман: «Ҳақ сўз - аччиқ ва тўғри маслаҳат - оғир бўлади».

Менинг айтадиган гапим ҳам шу: ўз ватанида кўним топмаганларнинг охири вой! Ўз халқига тош отган одам эл лаънатига қолади, охир бир куни хору зор бўлади.

**Салим ТЎЙЧИЕВ,**
**Сурхондарё вилоят Денов тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси**

*Vo ajab!*

# ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...

...сомон тиқар пўстингга, деган пурмаъно нақлни ким эшитмаган дейсиз. Аммо Халқ банкининг Олтинкўл тумани раҳбарлари бу нақлни замонавийлаштириб «ишонмагин ходимингга, тўсиқ бўлар одимингга» деб ўзгартиришга мажбур бўлишди.

Расулжонни «Халқ банки»га ишга олишганида ўз идорасининг тузини ичиб, тузлиғига тупуриб кетишини биров билмаган эди. У 22-шахобчада назоратчи-кассир вазифасида ишлар эди. 35 ёшга кирган, ҳаётнинг паст-баландини ажрата олишга ярайдиган бу йигит ўтган йили 14 сентябр куни 20 минг сўмлик, ҳар бир донаси 100 сўмдан бўлган 200 дона «Омадли инсон» лаҳзалик пул-ютуқ лотереяларини аҳолига сотиш учун халқ банкидан олади. 20 минг сўмга уни сотиб, 12 минг юз сўмини шахсий кундалик ишларига сарфлаб юборади. 7 минг 900 сўмини эса қалбаки ҳисобот билан топширади.

Судда у ўз айбига тўла иқрор бўлди. «Вояга етмаган фарзандларим бор» дея енгиллик сўради. Лотереядан тушган пулнинг қолган қисмини декабр ойида ҳам тўламаганини тан олди. Суд унга 2 йиллик аҳлоқ тузатиш жазосини тайинлади. Маслаҳат қишлоғилик шоввоз Расулжон Мирзакаримовнинг қилмиши мана шундай ниҳоясига етди.

Энди «ишонмагин ходимингга...» деган янги нақлнинг мағзини чақиб олгандирсиз?!

**Муҳаммаджон АБДУВАЛИЕВ,**
**Андижон вилояти Олтинкўл тумани прокуратурасининг терговчиси**

*Bosh muharrirga xat*

# ГУМОНЛАНДИМ, ОҚЛАНДИМ, АММО...

Ҳурматли Бош муҳаррир!

Кўпчиликнинг маслаҳати билан Сизга шахсан хат йўллаяпман. Мен беш нафар мактаб ўқувчисининг отаси, 10 йилдан ортиқ Яккабоғ нефтбазасида ишладим. 1997 йил сентябрда менга нисбатан давлат мулкини ўзлаштирган, деган гумон билан жиноят иши қўзғатилди. Шу сабабли вазифамдан четлаштирилдим. 1998 йил январ ойида мендан айб топишолмадилар ва жиноят ишим 83-модданинг 2-банди билан ҳаракатдан ётқизилди. Аммо... 1 йил 5 ой бўлаяптики, менинг оқланганимни расмий тан олишмаяпти. На ишимга тикланаман, на мажбуран бекор юрган вақтимга пул тўлашади, на қўлимга жўяли ҳужжат беришади? Сиздан илтимос, ёрдам беринг ёки маслаҳат!

**Шариф БОЛТАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Жойчи маҳалласи**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли Шариф ака! Сизга нисбатан жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ётқизилган бўлса, Сиздан бор-йўғи бир сатр бу ҳақда маълумотнома ёки номингизга ёзилган хабар хати олиш талаб этилади. Уни прокурор ёхуд терговчи бериши шарт. Юқоридаги модда Сизни жиноят содир этмаган, қилмишингизда жиноят таркиби белгиси йўқ, деганидир. Шу асосда сиз аввалги ишлаб турган лавозимингизга, рози бўлсангиз бошқа таклиф этилган вазифага тикланишингиз керак, жами тўловлар тўла амалга оширилиши лозим. Бу сўзсиз қонун талаби. Агар прокурор томонидан ва собиқ иш жойингизда бу талабларга амал қилишмаётган бўлишса, тўғридан-тўғри судга ариза билан мурожаат қилинг. Таҳририятимиз ушбу материал юзасидан тегишли идоралардан жавоб кутади ва масалага яна қайтади.***

**Ф.ҚИЛИЧЕВ,**
**Бош муҳаррир**

*Jinoyat va jazo*

# МЕҲР ВА ОҚИБАТ СУСАЙМАСИН...

Яқин ўтмишда ҳам Чироқчининг қайси бир қишлоғида бўлмасин, хонадон соҳибаси тандирдан нонни узибоқ фарзандлари қўлига тутқазиб, қўшниларга улашарди. Қўни-қўшнилар ўртасида девор ҳам бўлмасди...

Бугунга келиб эса ҳар бир ҳовли девор билан ўралган. Баъзи қўшнилар ўртасидаги яхши бордикелди ўрнини эса кўпинча уриш-жанжал, ер талашиш, фарзандлари туфайли ўзаро ёқалашиш каби кўнгилхираликлар эгаллаётганлиги ачинарли.

Чироқчи туманида 230 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бир қараганда, улар орасидан ўзаро жанжаллашиб, судга қатнайдиганлар ҳам бўлиши табиий бир ҳолдек. Аммо бу билан ким ютади? Қолаверса, бу ишга дахлдор бўлганларнинг ҳаммаси бирдек азият чекади. Келинг, яхшиси далилларга таянайлик.

Судланувчилар Рўзигул Қулмирзаева ва Бўригул Жумуратовалар тумандаги Зарбдор жамоа хўжалигининг Равот қишлоғида туғилган. Шу қишлоқда яшаб келган. Бўригул 52 ёшда, тўққиз нафар фарзанднинг онаси. Рўзигул эса 27 ёшда. Унинг 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Шу икки она ўтган йилнинг 19 август куни кундуз соат бирларда ўзаро жанжаллашиб қолади. Рўзигул Бўригулни ҳақорат қилиб, тош билан уриб пешонасини ёради. Бўригул ҳам бўш келмайди. Рўзигулнинг қорнига қўли билан уриб, қасддан шикаст етказади. Шу тариқа икки ҳамқишлоқ аёл шифохонага ётиб даволанади. Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, ҳар иккаласининг ҳам енгил шикаст олганлиги қайд қилинган.

Юқоридаги кўрсатилган жиноий ҳаракатлари билан судланувчилар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмидаги жиноятни содир этган. Ҳар иккиси ҳам ўз айбига иқрор. Пушаймонлигидан ташқари судга келганлигидан, эл орасида шарманда-ю шармисор бўлганидан хижолат. Ҳатто судда улар «бир-биримиз билан ярашиб кетдик» дейди. Суд шуни инобатга олган ҳолда судланувчиларнинг ҳар иккаласига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жаримага тортилсин, деб ҳукм чиқарди.

Кўриб турганингиздек, суд адолатли қарор қабул қилди. Аммо бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўяётганлар озми? Шу каби уриш-жанжалларга уларнинг фарзандлари ҳам қўшилганда нима бўларди?

Инсон бўлиш буюк санъат бўлгани каби қўни-қўшничиликни ўрнига қўйиш, дўст-биродар бўлиб яшаш ҳам нафис санъатдир. Айниқса, аёл оилани мустаҳкамлайдиган, оилавий муносабатларда юз берадиган масалаларни осойишталик билан ҳал қиладиган ва фарзандларига одобли, меҳнатсевар бўлишни, инсоний фазилатларни кўз қорачиғидек сақлашни уқдириши лозим. Бир-бировга мурувват, иззат-ҳурмат одамийликнинг энг улуғ белгиси эканлигини асло унутмайлик. Шунда беҳуда асаббузарликларга ўрин қолмайди.

**Абдураҳмон КАРИМОВ,**
**Чироқчи туман суди раиси**
**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**
**журналист**

